**2022 йил «31» январдаги “MIKRO ZAR SAVDO” ХК ва**
**Зарафшон шахар Мактабгача таълим бўлими ўртасида**

**96 000 000 сўм умумий суммага тузилган 1-сонли шартномага**

# ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 251

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860124087091100251006

(сўмда)

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 42 52 300 | | | |
| Январь | 96 000 000 | | | 96 000 000 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **96 000 000** | | | **96 000 000** |

Жами 96 000 000 сўм (Тўқсон олти миллион сўм)
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 28800000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30%*** 2022 йил январ ойида тўланиши лозим.

(*) – бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) – бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;
(***) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг ______ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарла (иш, хизматлар) етказиб беришшартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари _______________ М.Турсунова
М.Ў. (имзо) Ф.И.О.

Буюртмачи бош ҳисобчи _______________ Ғ.Юлдошев
(имзо) Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди _______________ (имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди _______________ (имзо)

2022 й. «____»___________________

2022 й. «____»___________________

*О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 1*

*Зарафшон шаҳри* *«31» январ 2022 йил*

*"MIKRO ZAR SAVDO" ХК кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи И.Солиев бир томондан ва Зарафшон шахар МТБ, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи М.Турсунова (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.*

**1. Шартноманинг предмети**

*1.1. Сотувчи ўзига тегишли товар(махсулот)ни Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.*

| № | Озик-овкат махсулотлари номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Помидор | кг | 3000 | 14 500 | 43 500 000 |
| 2 | Бодринг | кг | 3000 | 17 500 | 52 500 000 |
| **Жами** | | | | | **96 000 000** |

*1.2.Шартноманинг умумий суммаси: 96 000 0000 (Туқсон олти миллион) сўм*

**2. Товар (Махсулот)ни етказиб бериш муддати ва тартиби**

*2.1.Товар (махсулот)нинг етказиб бериш муддати «10» феврал 2022 йил*
*2.2. Товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати хар бир маълум тўплам бўйича келишилади.*
*2.3. Товар (махсулот)ни сотувчи ўз транспортларида етказиб беради.*
*2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан амалга оширилади.*
*2.5. Етказиб бериш санаси бўлиб, товар (махсулот)нинг сотиб олувчи омборига келиб тушиш санаси хисобланади.*

**3. Тўлов тартиби**

*3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 96 000 0000 (Туқсон олти миллион) сўмни ташкил этади.*
*3.2 Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун 30 фоиз ёки 28 800 000 сўм олдиндан туловни амалга оширади*
*3.3. Тўлов шакли хисоб-китоб накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.*

**4. Товар (Махсулот)нинг сифати**

*4.1. Сифат товар (махсулот)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.*
*4.2. Сотувчи тўпламда яроксиз махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 1 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.*
*4.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини такдим этади.*
*4.4. Ишлаб чикаришга оид нуксонлари аникланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида кайтарилган товар (махсулот)лар Сотувчига кайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг*
*кийматини тўлик коплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган холда 1 кун ичида яроксиз товар (махсулот)ларни сифатли товар (махсулот)ларга алмаштириб бериши керак.*

**5. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш**

*5.1. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра кўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хакконийдир.*
*5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган кўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.*
*5.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.*

**6. Тарафларнинг мажбуриятлари**

*6.1. Товарларни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.*

6.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган товарни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1 бандига мувофиқ, сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг баҳосини қайтариб бериш.
6.3. Сотиб олувчи қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича вабул қилиб олиш.
6.4. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан 1 кун ичида бу ҳақда сотувчини хабардор қилиш.
6.5. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар баҳосини тўлаш.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

## 8. Шартноманинг амал килиш муддати

8.1. Шартнома тарафлар имзо ва уз мухрлари билан тасдиклаб . Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПК-594** га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузиib, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
8.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик х
ужжатларида назарда тутилган холларда.

## 9.Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

9.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

9.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

9.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:
- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

9.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:
- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

9.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

9.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## 10.Форс-Мажор холатлари

10.1. Томонларнинг хохиш-истагига боглик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган холатлар окибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб хисобланмайди.

10.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўскинлик килаётган холатлар ва уларнинг таъсири хакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
10.3. Форс-мажор холатларини важ килиб келтираётган тараф уларнинг тасдиги сифатида ваколатли давлат органининг тегишли хужжатини такдим этиши шарт.
10.4. Томонларнинг хохиш-истагига боглик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган холатлар сифатида куйидагилар назарда тутилади:
10.4.1. Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар;
10.4.2. Янги кабул килинган конун хужжатлари;

### 11. Низоларни хал килиш

11.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
11.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал килинади
11.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Иқтисодий судда хал килинади.

### 12. Бошка шартлар

12.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала Тарафлар оркали имзоланиши керак.

## XII.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминловчи»
"MIKRO ZAR SAVDO" ХК
(ижрочининг номи)
Манзили Зарафшон шахар
2-кичик туман
тел\факс 79-320-24-50
х\р 20208000305077513001
банк номи Ипотека банк
МФО 00203 ИНН 306431013
ОКОНХ 18113

Рахбар И.И.Солиев
(Ф.И.Ш.)
(имзо)
М.Ў.

«Истеъмолчи»
Зарафшон шахар МТБ
(бюджет маблагларини олувчи номи)
манзили Зарафшон ш Тинчлик кучаси

тел\факс 573-03 76
ш\хв 100022860124087091100251006
бюджетдан маблаг олувиСТИРи 305152013
ОКОНХ 85100
Ғазначилик бўлим номи: Зарафшон шахар газначилик булинмаси
газна хв23402000300100001010
Банк номи Тошкент шахар МБХККМ
МФО 00014
Ғазначилик бўлинмасиСТИРи 201122919
Рахбар М.Турсунова
(Ф.И.Ш.)
(имзо)
М.Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**ZM44302625**

1. Loyihaning turi:

31.01.2022 yildagi 1-sonli oldi-sotdi shartnomasi

2. Shartnoma mazmuni:

"MIKRO ZAR SAVDO" XK "Sotuvchi" ish yurituvchi I.Soliyev bir tomondan va Zarafshon shaxar MTB "Sotib oluvchi" ish yurituvchi M.Tursunovalar o'rtasidagi shartnoma. (96 000 000 so'm miqdorida mevalar)

3. Shartnoma ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Zarafshon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi 31.01.2022 yil.

Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i** **A.G'oyibov**

31.01.2022 yil.

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Зарафшон шаҳар МТБ мудири
__________ М.Турсунова
«31» январ 2022 йил

Зарафшон шаҳар МТБ га карашли МТТ лар учун олинадиган озик-овкат махсулотларининг нархини аниклаш буйича танлов комиссиясининг
**«8» - сонли йиғилиш Баённомаси**

*2022 йил «31»январ* *Зарафшон шаҳри*

Зарафшон шаҳар МТБнинг 2022 йил «10» январдаги 04- сонли буйруғи билан ташкил этилган танлов комиссиясининг аьзолари қатнашдилар:

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси: | Мудир: | М.Турсунова |
| Комиссия аьзолари: | Касаба уюшмаси раиси: | А.Карабаева |
| | Бош ҳисобчи: | Ғ.Юлдошев |
| | Ҳисобчи: | Д.Вахобов |
| | Ҳисобчи: | Д.Исамова |

**КУН ТАРТИБИДА:**

1. Эркин танлов оркали Зарафшон шаҳар МТБ га карашли МТТ лар учун олинадиган озик-овкат махсулотларининг нархини аниклаш буйича танлов комиссиясининг йиғилиш баёни:
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни, ҳамда Ўзбекситон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953-сонли кароринининг 27-бандига мувофик даволаш-профилактика ва таълим муассасалари учун озик-овкат маҳсулотларини кейинчалик улар тўғрисидаги маълумотларни шартнома тузилган санадан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан давлат харидларининг махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид килиш белгиланган.

Шунга мувофик таъминотчи ташкилотлардан танлов савдосига такдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (ракобат) варакаси таккослаб кўрилди: (сўмда)

| № | Товар (маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги ва сони | "MIKRO ZAR SAVDO" ХК | "ICE CREAM ZAR" ХК | "AZIYA MILK" ХК |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Помидор | 3000 кг | 43 500 000 | 44 400 000 | 45 000 000 |
| 2 | Бодринг | 3000 кг | 52 500 000 | 53 400 000 | 54 000 000 |
| | **Жами:** | | **96 000 000** | **97 800 000** | **99 000 000** |

Таққослаб кўриш натижасида комиссия аьзолари

**ҚАРОР ҚИЛИШДИ:**

1. Зарафшон шаҳар МТБ га қарашли МТТ лар учун олинадиган озик-овкат махсулотларини куйидаги таьминотчи нархи асосида амалга оширилсин:

| № | Таъминотчи | Нархларнинг солиштирма (рақобат) варақаси тартиб рақами ва бирлик ашё нархи (сўмда) |
|---|---|---|
| **1.** | "MIKRO ZAR SAVDO" ХК | **1- 96 000 000** |

2. Танлов якунлари буйича "MIKRO ZAR SAVDO" ХК билан озиқ-овкат махсулотларини сотиб олиш учун 96 000 000 (Тўксон олти миллион) сўмга шартнома тузиш учун музокарага киришилсин.
3. Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

**ИМЗОЛАР:**

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси | Мудир: | М.Турсунова |
| Комиссия аьзолари: | Касаба уюшмаси раиси: | А.Карабаева |
| | Бош ҳисобчи: | Ғ.Юлдошев |
| | Ҳисобчи: | Д.Вахобов |
| | Ҳисобчи: | Д.Исамова |

2113026

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MIKRO ZAR SAVDO" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MIKRO ZAR SAVDO" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.05.2019 724247 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306431013

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Navoiy viloyati, Zarafshon shahri, Зарафшон шахар, 2 кичик туман,

Guvohnoma: Navoiy viloyati, Zarafshon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan